Тошкент оқшоми

2013 ЙИЛ 17 МАЙ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (12.408)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичсни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мунтазамлик касб этган кенг кўламли Ўзбекистон — Латвия давлатлараро мулоқоти нафақат икки ва кўп томонлама аҳамиятга молик амалий масалаларни кўриб чиқиш, балки долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан очиқча фикр алмашиш ва уларни баҳолаш учун ҳам имкон яратаётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик, жумладан, «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» алоқалари, халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги муносабатлар бўйича салмоқли тажриба тўплаган.

Латвия Ўзбекистон билан савдо алоқалари ҳажми бўйича ЕИга аъзо давлатлар орасида учинчи ўринда туради. Буни ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. 2012 йил якуни бўйича бу борадаги кўрсаткич 243,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик ҳамда томонларнинг йирик транзит салоҳиятини ишга солиши Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Эдгарс Ринкевичс самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Латвия раҳбарияти мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни узоқ муддатли ва прагматик асосда янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кеча шаҳримиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида «Чарм-пойабзал, кийим ва аксессуарлар – 2013» III халқаро саноат кўргазмаси ўз ишини бошлади.

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг 70 дан ортиқ ва Италия, Россия, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлардан келган 20 га яқин чарм-пойабзал соҳасига доир корхона ва ташкилотлар ўзларининг янги чарм пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳомашё материаллари, асбоб-ускуналар ва аксессуарлар, жами икки мингдан ортиқ маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳалар каби чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам жадал ривожланмоқда. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси корхоналари томонидан ўтган давр мобайнида 5110 миллион сўмлик 338 та янги турдаги моделлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича уюшма корхоналари томонидан йигирма олтита лойиҳани амалга ошириш натижасида импорт ўрнини босувчи ўн етти турдаги 55,7 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил август ойидаги «2012-2015 йилларда ноозиқовқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзкўргазмасавдо» мажмуасидаги тадбир республикамиздаги чарм-пойабзал соҳасида фаолият юритаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини харидорларга етказиб бериш борасида қулайлик яратиш, маҳсулотларнинг янги турларини кўпайтириш, замонавий технологияларни корхоналарга жалб қилиш, юртимиз ва чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-ҳунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.И.Икрамов), республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида икки ҳафта муддатда 2013/2014 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қабул қилиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизларнинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9-синфлар битирувчиларини ўқитиш билан қамраб олишнинг якуний натижалари тўғрисида жорий йилнинг 15 августигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013/2014 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-ҳунар коллежларида ва филиалларида 2013/2014 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, уларда кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 16 май

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат юридик институтида «Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 150 йиллиги ҳамда «Обод турмуш йили» муносабати билан байрам тадбири ва «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар мусобақаси бўлиб ўтади.

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотосуратлар уйида Нодир Норматовнинг фотокўргазмаси очилди.

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, адлия, ички ишлар бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилган босқичда ғолибликни қўлга киритган 13 жамоа ўзаро баҳс юритди.

• Қамаши туманидаги қурилиш индустриясига ихтисослашган «Умид» ишлаб чиқариш савдо фирмасида янги тармоқ ишга туширилди. Алюмин профилли эшик-ромлар, турли темир панжара ва тўсиқлар, замонавий услубдаги дарвозалар тайёрланадиган ушбу корхонада Хитой технологияси асосида тошни майдалаш ҳам ўзлаштирилди.

• Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Камалак жилоси» деб номланган расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида уюштирилган танловнинг ҳудудий босқичларида 1500 дан зиёд ёш авлод вакиллари қатнашди.

• Ғузор туманида йилига ўн миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга завод ишга тушди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун «Вилкоопқуртаъминот» масъулияти чекланган жамиятининг 300 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкдан олинган 200 миллион сўмлик кредит йўналтирилди. Айни чоғда янги технологик ускуналар ёрдамида кунига 40 минг донага яқин арзон ва сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Boeing компанияси бундан бир неча ой аввал аниқланган техник носозликлар сабабли тўхтатилган Boeing-787 Dreamliner самолётларини яна етказиб беришни бошлади. Жумладан, ушбу энг сўнгги русумдаги самолёт Японияниинг All Nippon Airways компаниясига жўнатилди. Boeing компанияси вице-президенти Ренди Тинсетнинг таъкидлашича, кўп ойлик танаффусга қарамай, компания жорий йил охиригача лайнерларни етказиб бериш бўйича кўзда тутилган режани тўлалигича бажаради.

• Англиянинг Лондон шаҳрида мовий рангли бриллиант энг қиммат нархда сотилди. Гап шундаки, оғирлиги беш каратдан оғир бўлган ушбу ноёб тошни жуда кўпчилик харид қилмоқчи бўлган. Охир-оқибатда бриллиант 9,5 миллион АҚШ долларига Нью-Йорк шаҳридаги йирик заргарлик фирмасига сотилган.

• АҚШнинг Жоржия штатилик ноёб буюмлар сотувчиси eBay кимошди савдосига кока-кола ичимлигининг рецепти дея таърифланаётган ҳужжатни қўйди. Ушбу лотнинг бошланғич нархи 5 миллион долларни ташкил этади, аукционсиз ушбу рецептни 15 миллион долларга харид қилиш мумкин. Гап шундаки, мазкур рецептни америкалик антиквар Клифф Клюге бошқа ҳужжатлар билан бирга Жоржиядаги уйларнинг биридан топган. Ушбу ҳужжат 1943 йилга тааллуқли.

• Британиялик олимлар бундан бир неча йиллар аввал денгиз тубига чўккан Данвич шаҳри вайроналарининг тўлиқ харитасини туздилар. Айтиш керакки, ўз вақтида Данвич мамлакат шарқидаги гуллаётган порт ва Шарқий Англия қироллигининг пойтахти бўлган. Бироқ 1286 йилдан бошлаб шаҳар ўз бошидан бир нечта кучли бўронларни кечирган ва улар шаҳарни буткул вайрон қилган.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг туб мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилди. Бунда жаҳон мамлакатлари ва ўзбек миллий давлатчилиги тажрибаларидан кенг фойдаланилиб, аввало инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, хусусий мулкчилик ва демократияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ислоҳотлар оқимида

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК КЕНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Шу маънода тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан равнақ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди.

Дарҳақиқат, хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнесга янги имтиёзлар яратиш республикамиз иқтисодий қудрати ва салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, уларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни эзгу мақсадда қабул қилиниб, мазмун-моҳиятига кўра, оилавий бизнес ҳуқуқларини кафолатлайди.

Шуни айтиш зарурки, ота-боболаримиз азалдан уй шароитида бутун оила бўлиб муайян касб-ҳунар билан шуғулланиб келишган. Истиқлол туфайли бундай анъаналар янада равнақ топмоқда. Буни миллий ҳунармандчилик тараққий этиб, ҳозирда ҳунармандчилигимиз намуналарининг нафақат маҳаллий, балки дунё бозорларида муносиб ўрин эгаллаётганида кўрса бўлади. Ана шу мақсадда ҳунармандларнинг ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилингани муҳим аҳамият касб этади. Чунки олинаётган барча даромад тадбиркорнинг ўз иш сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда. Бундай субъектлар фаолияти ҳар тўрт йилда текширилиши мумкинлиги ҳам уларнинг эркинлиги кафолати бўлаётир. Бу қоида ҳам қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, қонун асосида оилавий тадбиркорлик субъектлари учун коммунал инфратузилма катта қулайлик яратади. Эндиликда улар гарчи товар ишлаб чиқараётган бўлса-да, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида тўловларни амалга оширади.

Қолаверса, тадбиркорлик ривожида, албатта, кредитлар муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, қонунда ушбу масалага ҳам кенг ўрин берилган. Оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

Оилавий корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бундай субъектлар фаолиятининг эркинлиги кафолатлари ҳам ушбу қонунда мустаҳкамлангани соҳа ривожида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз. Жумладан, қонунда қайд этилганидек, давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Қолаверса, оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш орқали аҳоли, жумладан жамиятимиз таянчи ва суянчи бўлган оилалар фаровонлиги, мамлакатимиз равнақига эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, шуни алоҳида айтиш мумкинки, аҳолини бу каби қонунларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш, тушунтириш, уларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига теран идрок билан қараш ҳиссини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган. Улар ҳуқуқий тарғибот йўналишидаги фаолиятида тадбиркорлик субъектлари ишида юзага келаётган масалаларни аниқлаш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни эътиборга оларкан, булар келгусида тадбиркорларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг бизнес ғояларини тўлиқ рўёбга чиқаришда катта мадад бўлади. Қолаверса, бошқарма томонидан ҳар ойда бир маротаба «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилгани, мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган устувор сиёсат ҳукм сураётганлигидан дарак бериб, буни аҳолига тўғри талқин этилиши ўтказилаётган тадбирларда ўз ифодасини топмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш имконини беради. Қолаверса, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қонунийликни таъминлашни даврнинг ўзи тақозо этади.

Отабек АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

ЛОГОПЕДИЯ – АМАЛИЁТ ВА НАЗАРИЯ

Инклюзив таълимни ривожлантириш, келажак авлодни ҳар томонлама мукаммал инсон этиб тарбиялаш мақсадида Юнусобод туманидаги 480-махсус мактабгача таълим муассасасида «Ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясида махсус мактабгача таълим муассасаси ва ота-онанинг ҳамкорлик технологияси» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Анжуманда ТДПУ дефектология факультетининг профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари билан қатнашиб, нутқий ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясида мутахассис ва оиланинг ўрни узвий боғланганлиги ҳақида сўз юритишди.

– Нутқида муайян камчилиги бор болалар ўзларидаги нуқсондан уялиб, бошқалар билан мулоқотга киришувни хоҳламайди, — дейди профессор Лола Мўминова. — Янги жорий этилаётган педагогик технологиялар асосида таълимий ўйин, қизиқарли бошқотирмалар, расмли топишмоқлар – бола мулоқотининг бойиб боришига хизмат қилади. Имкон қадар бу жараёнлар билан оила аъзоларини ҳам яқиндан таништириб бориш лозим.

— Семинар-тренингни ўтказишдан кўзланган мақсад – болалар нутқидаги нуқсонларни бартараф этиш ва янги логопедик технологияларни жорий қилишда ота-она ва мутахассис педагогларнинг ҳамкорлигини кенг йўлга қўйишдан иборат, — дейди ушбу муассаса мудираси, дефектолог Муаззам Собирова.

Бола мисоли навниҳол. У ёшлигиданоқ қалб қўри-ю меҳр булоғи билан суғорилса келажакда ўз мевасини беради.

Нутқий ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясида махсус мактабгача таълим муассасалари ходимлари ва оила ҳамкорлигининг кенг йўлга қўйилиши таълим-тарбияда муайян муваффақиятларга эришувда замин яратади.

Навбаҳор РАҲМОНОВА

АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети I инглиз филологияси факультетида «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси томонидан «Ахборот тизимлари: таълимда ва ишлаб чиқаришда» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда университет профессор-ўқитувчилари, олимлар ва соҳа мутахассислари, катта илмий ходимлар, стажёр тадқиқотчи изланувчилар ҳамда магистр ва талабалар иштирок этишди.

— Мазкур анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини янада ривожлантириш, уларни таълим тизими ва ишлаб чиқаришга бевосита татбиқ этиш, шунингдек, фаннинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, масофавий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг самарадорлигини оширишдан иборат, — деди кафедранинг катта ўқитувчиси Г. Аблизова. — Интернет тармоғида мустақил сайтлар очиб, уларни керакли ва оммабоп маълумотлар билан бойитиб бориш, таҳририятларда газета ва журналларни нашрга тайёрлаш, масофавий таълимда АКТларнинг аҳамияти ва ўрни мавзуидаги кўпгина иқтидорли талабаларнинг чиқишлари бизни беҳад қувонтирди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, анжуманга ўндан ортиқ илмий мақолалар топширилиб, уларнинг июнь ойида университетнинг «Ёш олим – 2013» анъанавий илмий мақолалар тўпламида чоп этилиши режалаштирилган.

— Мазкур анжуманда мен «Ахборотлашган жамиятда ахборот хавфсизлиги» мавзуидаги илмий мақолам билан иштирок этяпман, — дейди университетнинг Халқаро журналистика факультети талабаси Дилнавоз Йўлдошева. — Бугунги тадбир давомида мен ахборот тизими ва технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ва энг янги ихтиролар бўйича маълумотлардан бохабар бўлдим.

Анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси



ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, кўргазма доирасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган пойабзал ва атторлик маҳсулотларининг янги турлари, замонавий технологиялар, чет эл компания ва фирмаларнинг соҳада эришган ютуқлари юзасидан кўргазмали семинарлар, давра суҳбатлари, тақдимотлар ташкил этилмоқда.

Кўргазма давомида иштирокчи корхоналар мамлакатимиздаги ва чет эллик ҳамкорлари билан маҳсулотларни сотиш ёки харид қилиш бўйича ўзаро шартномалар тузишни режалаштирган. Бу эса ўз навбатида янги кооперацион алоқаларни ўрнатиш ва шу билан бирга хориж корхоналари билан ҳамкорликнинг ривожланишига, импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турларини яратишга, хориждан келтириладиган товарларнинг камайишига, чарм-пойабзал маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошишига олиб келади.

– Бугунги кунда чарм-пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз, – дейди «Ўзбекчарм-пойабзали» уюшмаси раиси ўринбосари Шарифжон Шералиев. – Айниқса Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида ушбу соҳа яхши ривожланган. Бир қатор вилоятларимизда чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилганидан сўнг қўшимча 1200 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилади. Шунингдек, уюшмамиз томонидан аҳоли эҳтиёжига кўра маҳсулот турларини яратиш ва уларни қўпайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борада Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда янги ташкил этилган «Чармпойабзал дизайни маркази» ҳам фаолият юритмоқда.

Тадбир доирасидан шунингдек, «Энг яхши пойабзал дизайни учун», «Энг яхши чарм атторлик маҳсулотлари дизайни учун», «Энг яхши чарм маҳсулотлари дизайни учун», «Энг яхши кийим-кечаклар дизайни учун», «Энг яхши стенд», «Энг фаол иштирокчи учун» номинацияларига бўйича танлов эълон қилинган. Ғолиблар кўргазма якунида ҳомийлар томонидан махсус дипломлар билан тақдирланади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида мамлакатимизда божхона тизимининг ривожланиши ва истиқболлари, соҳада кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва бошқа олий ўқув юртлари олимлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Мансуров, Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи С.Абдухалилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев ва бошқалар божхона хизмати мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Тизимга божхона назоратини таъминлайдиган замонавий ахборот коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатларига барҳам бериш, мамлакатимиз ҳудудига контрабанда товарларининг ноқонуний йўллар билан кириб келишига йўл қўймаслик, божхона тўловларини ўз вақтида ундириш, божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини енгиллаштиришга хизмат қилаётир.

Конференцияда иқтисодиётимиз равнақида давлат божхона органларининг ўрни, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш, божхона иши ва ҳуқуқини такомиллаштириш омиллари, божхона ишида иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий, психологик масалаларга оид маърузалар тингланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЁШ ДАСТУРЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир «Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг ривожланиши ҳамда келажакдаги режалари» мавзусига бағишланди.

Ундан кўзланган асосий мақсад, ахборот технологияларига қизиқувчи ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, маҳсулот ва хизматларнинг сифат даражасини ошириш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдан иборат.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эгаллаб турган ўрнининг мустаҳкамланиши ҳамда марказнинг ҳозирги кунда олиб бораётган фаолиятининг бир нечта алоҳида йўналишларга бўлиниши, ташкилотни қайта номлаш ва янгидан ташкил этиш заруратини юзага келтирди.

Шунингдек, ушбу марказ ўз номини «BePro дастурчилар маркази» дея ўзгартирди ва полиграфик тарқатма маҳсулотларини қайтадан янгилади.

Марказнинг сайти ҳам (www.bepro.uz) тубдан янгиланди ва корпоратив ранглар асосида ишлаб чиқилди. Сайтнинг функционал хусусиятлари ошди ва фойдаланиш учун қулай ҳолатга келтирилди. Шу билан бирга катта ҳажмдаги фойдали маълумотлар ушбу сайтга жойлаштирилди.

– Марказнинг бу тарзда тубдан ўзгартирилиши ташкилотимизнинг тобора ривожланиши билан боғлиқдир, — дейди BePro дастурчиларни тайёрлаш маркази бош директори Абдувоитжон Ғафуров. – Ушбу янгилик ёшларнинг марказимизга бўлган қизиқишини янада оширишда ҳамда уларни қўллаб-қувватлаб боришда яхши самара беради.

Таъкидлаш жоизки, ягона ва умумийлашган BePro бренди остида ҳозирда 3 та корхона фаолият кўрсатади. Булар: турли хил корхона ва ташкилотлар учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш вазифасини ўз зиммасига олувчи — «BePro дастурчилар маркази», ЁДТҚҚМ ва NetDec компанияларининг ўқув марказлари бирлашуви натижасида ташкил топган «BePro Education Center» корхонаси ҳамда дастурий маҳсулотларнинг чизиғини ишлаб чиқиш ва жорий этиш фаолиятини олиб борувчи «BePro Solutions» корхоналаридир.

Анжуман давомида марказнинг ўтган тўққиз йиллик фаолияти мобайнида ахборот технологиялари соҳасида қарийб 7000 нафар етук мутахассис тайёрлагани, 1000 дан зиёд ўқувчилар Prometric ва Pearson VUE дунё миқёсидаги сертификатларни қўлга киритганлиги, бу кўрсаткич бугунги юқори талабга ҳали жавоб бермаслиги, вилоятларда янги филиаллар ташкил этиш борасида чора-тадбирлар кўрилаётганлиги ҳамда Самарқанд, Хоразм, Нукус шаҳарларида ҳам марказларнинг иш бошлаш арафасида турганлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Матбуот анжумани сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига атрофлича жавоб берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги «International House Tashkent» академик лицейида «Менинг бизнес ғоям» танловининг III босқичи юзасидан семинар-тренинг ташкил қилинди. Унда танловнинг иккинчи босқичидан саралаб олинган энг яхши 42 та лойиҳа эгалари иштирок этишди.

Танловлар

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ


Семинар-тренингда машғулотларни тажрибали бизнес тренерлар олиб бордилар. Улар биринчи кун қатнашчилар билан яқиндан танишиб, семинарнинг мақсад ва вазифалари, ундан кутилаётган натижалар ҳақида батафсил маълумот беришди ҳамда иштирокчилар билим даражасини аниқлаш мақсадида «Тадбиркорликни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Бизнес ғоя танлаш методикаси», «Кредит сиёсати», «Бизнес режа яратиш нима?», «Тадбиркорликни ёки мутахассислик?», «Бировга ишлашми ёки ўзи янги иш ўринларини яратишми?» каби мавзуларга доир амалий машғулотлар ўтказишди. Машғулотлар орасида танаффус қилиниб, қатнашчиларда ўзига бўлган ишончнинг ошишига омил бўлувчи психологик ўйинлар ташкил қилинди.

Семинар-тренингнинг иккинчи куни тренерлар иштирокчилар билан ўтилган мавзуларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ақлий машқлар уюштиришди. Шундан сўнг дастур асосида семинар якунида ўтказилиши режалаштирилган мавзулар, яъни «Бизнес режа ёзиш талаблари», «Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш», «Бозорни ўрганиш ва сегментлаш», «Рақобатчилар таҳлили», «SWOT таҳлил» каби саволларга етарлича жавоблар беришди.

Семинар-тренингнинг учинчи кунида эса тренерлар иштирокчиларнинг мавзуларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ақлий машқ ўтказди ва бизнес-режа ёзишда энг муҳим бўлган «Бизнес-режанинг молиявий қисмлари», «Кредитни қайтариш модули» ҳамда «CASH FLOW» тушунчалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди. Иштирокчилар «Бизнес режа қандай тақдимот қилинади?», «Тақдимотда нималарга аҳамият бериш керак?» деган саволларга тренерлар томонидан берилган маълумотлар ва ташкил этилган амалий машғулотлар, интерактив ўйинлар орқали жавоб олдилар. Кун якунида эса уйга вазифа қилиб ҳар бир иштирокчига ўз бизнес режасининг тақдимотини тайёрлаб келиш топширилди.

Танлов якунида коллеж ва академик лицей битирувчилари ўзларининг бизнес лойиҳаларини ҳамкор ташкилотлардан ташкил топган комиссия аъзолари олдида ҳимоя қилишди. Натижада инновацион деб топилган энг сара 8 та лойиҳа танловнинг Республика босқичига йўлланма олди. Бундан ташқари 12 нафар иштирокчининг бизнес-режалари комиссия аъзолари томонидан маъқул деб топилиб, тижорат банкларидан кредит олишлари учун тавсиянома берилди.

Отабек ОТАЁРОВ



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 20

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.20 Миллий сериал: «Имтиҳон».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Жажжи Доррит». Т/с.
9.25 «Менинг боғим».
9.40 «Саломатлик сирлари».
9.55 «Сарой жавоҳири». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
13.05 «Комиссар Рекс». Т/с.
13.50 «Япон боғи».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
14.35 «Иқлим».
14.35 «Хиёнатнинг янги шакли».
15.05 «Соғлом авлод – миллат келажаги».
15.30 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Леош Яначек. «Маккора тулкининг саргузаштлари». 1-қисм.
16.30 «Тараққиёт дастури».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Яхши дам».
17.25 «Ифтихор».
17.30 «Эркин фикр».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Қорачиқ».
18.35 «ТВ - шифокор».
18.40 «Комиссар Рекс». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бўстонидан».
20.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.10 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.25 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.30 «Иқлим».
23.35 - 00.00 «Ўсимликлар ҳаёти». Х/ф.
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Соғлом авлод – миллат келажаги».
00.25 «Қорачиқ».
00.45 «Ифтихор».
00.50 «Япон боғи».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТеатр: «Фармонбиби аразлади». 1-қисм.
2.10 «Ватанпарвар».
2.50 «Иқлим».
2.55 «Менинг боғим».
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Имтиҳон».
5.10 «Саломатлик сирлари».
5.25 «Шарқ тароналари».
5.35 - 5.55 «Табиат билан юзма-юз».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Унутилмас оҳанглар».
7.00 «Йўл-йўлакай».
7.30 «Мультипанорама».
8.00 «Севишганлар». Т/с.
8.40 «Ёшлик наволари».
9.00 «Скарлетт». Т/с.
9.50 «UzEX».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Ганг дарёсининг қизи». Б/ф.
11.30 «Жаҳон мусиқаси».
12.10 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
12.50 «Телетуҳфа».
13.00 «Давр».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
13.30 «Мўъжизавий дунё».
14.00 «Аскар». Т/с.
14.50 «Ёшлик наволари».
15.10 «Коломбо». Т/с.
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Доктор Куинн». Т/с.
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Автопатруль».
17.30 «Қора ўқ». Б/ф.
19.00 «Давр».
19.30 «Фил ва малика». Т/с.
20.20 «Эртакчи болажонлар».
20.40 «Орзулар оғушида».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Аскар». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Маликанинг муҳаббати». Б/ф.
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Мўъжизавий дунё».
1.20 «Коломбо». Т/с.
2.00 «Давр».
2.30 «Фил ва малика». Т/с.
3.20 «Жаҳон мусиқаси».
4.00 «Кўнгил кўчалари».
4.20 «Қора ўқ». Б/ф.
5.50-6.00 «Синфдош».

Тошкент

6.00 «Мадҳия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Ғазал гулшани».
6.20 «Ҳаёт-мамот». Т/с. 63-қисм.
7.00 «Салом, Тошкент!»
8.00 Тошкент тароналари.
8.15 «Донолар бисотидан».
8.20 «Интеллектуал аукцион».
8.30 «Пойтахт».
8.50 «Саргузаштлар ороли».
9.15 «Камер оркестрининг концерти».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Пойтахт йўлларида».
10.00 «Интервью».
10.10 «Мактабда бир кун».
10.30 «Пойтахт». /Рус тилида/.
10.40 «Спортчининг бир куни».
10.55 «Самодаги саргузаштлар». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Бизнес-пойтахт».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Индаба». Т/с. 11-қисм.
15.40 «Миттивойлар оиласи».
16.00 «Таянч нуқтаси».
16.25 «Анонс».
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мультсериал: «Денгиз итлари». 5-қисм.
17.10 «Келинг менинг дўстларим». /Инглиз тилида/.
17.25 «Мисли гавҳар».
17.40 «Маърифат фидойилари».
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Интеллектуал аукцион».
18.35 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 14-қисм.
19.05 «Интервью».
19.15 «Карвонсарой».
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Анонс».
20.30 «Репортаж».
20.45 «Тошкент оқшомлари».
21.10 «Уйларим».
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Теле-маркет».
21.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с. 64-қисм.
22.30 «Пойтахт». /Рус тилида/.
22.50 «Кино SMS». /Рус тилида/.
22.55 Миссия Дарвина. Х/ф.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.25 «Адолат мезони».
00.40 «Гарфилд-2». Х/ф.
1.55 «Уйларим».
2.00 Ҳинд киноси: «Девона қалб». Б/ф. 1-2-қисмлар.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.30 АНОНС.
6.35 «Жасур болалар».
7.05 АНОНС.
7.10 «Маҳорат мактаби».
7.20 АНОНС.
7.25 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультфильм.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.40 «Саломат бўлинг!»
9.00 Футбол. Англия чемпионати. «Челси» – «Эвертон».
10.35 Велоспорт. Жиро Д. Италия.
11.20 Футбол. Италия чемпионати. «Рома» – «Наполи».
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
13.35 АНОНС.
13.40 «Ринг қироллари».
14.40 Теннис ATP / WTA турнири.
16.00 «Халқ ўйинлари».
16.10 АНОНС.
16.15 Футбол. Англия чемпионати. «Ньюкасл» – «Арсенал».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Универсиада – 2013».
19.20 АНОНС.
19.25 Гандбол. Халқаро Трофи кубоги.
20.30 «Спорт - маркет».
20.40 «Футбол шарҳи».
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Олмалиқ» – «Гулистон».
23.30 АНОНС.
23.35 «Эртага футбол».
23.55 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 ИнтерФутбол.
3.05 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Жаҳон кубоги.
4.05 АНОНС.
4.10 - 5.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун.

ntt

05:30 «Янги кун наволари» дастури
06:10 «Мозийдан садо» дастури
06:30 «Буни ҳаёт дейдилар»
07:00 «Парламент соати» ахборот-таҳлилий дастури
07:20 «Бизнес промо»
07:30 «Қалб жавоҳири» т/с (10-қисм)
08:00 «Forum news» кўрсатуви
08:15 «Мусиқа вақти» дастури
08:30 «Олам ва одам» Ҳужжатли фильм
09:00 «Hudud.uz: Yangi avlod»
09:10 Мультсериал: «Панда кунг-фу: ғаройиб афсоналар» м/ф (10-қисм)
09:35 Болалар телесериали: «Уммонли замин афсунгари» т/с (10-қисм)
10:00 «Газеталар шарҳи»
10:10 «Муҳаббат синовлари» б/ф
11:45 «Мусиқа вақти» дастури
12:00 «Hudud.uz:Jahon»
12:10 «Уй бекаси» т/с (10-қисм)
12:45 «Shou-bizzz news» кўрсатуви
13:00 «Hudud.uz»
13:10 «Труман шоуси» б/ф
15:00 «Forum news» кўрсатуви
15:15 «Ҳайрат лаҳзалари» ҳ/ф
15:30 «Hudud.uz:Sport xabarlari»
15:40 «Мусиқа вақти» дастури
16:00 «Hudud.uz»
16:10 «Айрис-2» т/с (10-қисм)
16:45 «Бизнес промо»
17:00 «Газеталар шарҳи»
17:10 «Хазина» теле-шоу викторинаси
18:00 «Янги авлод» студияси намойиш этади
18:10 Мультсериал: «Панда кунг-фу: ғаройиб афсоналар» м/ф (11-қисм)
18:35 Премьера: Болалар телесериали: «Магна Аура» т/с (1-қисм)
19:00 «Hudud.uz:Jahon»
19:10 «Қалб жавоҳири» т/с (11-қисм)
19:40 «Мусиқа вақти» дастури
19:50 «Уй бекаси» т/с (11-қисм)
20:30 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «Чой устида» кўрсатуви
21:30 «Hudud.uz:Jahon»
21:45 Премьера: «Омадли омадсизлар» б/ф
23:30 «Hudud.uz:Sport xabarlari»
23:35 «Айрис-2» т/с (11-қисм)
00:00 «Мусиқа вақти» дастури
00:15 «Ғаройиб одамлар» ҳ/ф
00:30 Тунги кинозал: «Центурион» б/ф
02:30 «Юлдузлар ёғдуси» дастури
03:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 «Жить здорово!»
10.05 Модный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.40 «Время обедать!»
12.10 «Доброго здоровьица!»
13.00 Другие новости
13.25, 17.40 Понять. Простить
14.35 Сериал «Торговый центр»
15.25 «Пока еще не поздно»
16.05 «Я подаю на развод»
17.00 Вечерние новости
18.05 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30, 02.05 Сериал «Бывшая жена»
22.20 «Вечерний Ургант»
22.55 «Познер»
23.50 Ночные новости
00.05 Худ. фильм «Следопыт»

Россия

04.00 Утро России
08.00 «1000 мелочей». Ток-шоу
08.45 «О самом главном». Ток-шоу
09.30 Сериал «Кулагин и партнеры»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва
10.50 Сериал «Тайны следствия»
11.50 «Дело Х. Следствие продолжается». Ток-шоу
12.50, 15.35, 03.35 Вести. Дежурная часть
13.50 «Чужие тайны. Времена года»
14.35 Сериал «Тайны института благородных девиц»
16.45 Сериал «Каменская-6»
19.30 Спокойной ночи, малыши!
19.40 «Прямой эфир»
20.25 Сериал «Лекарство против страха»
00.10 «Девчата»
00.50 Вести +
01.15 Худ. фильм «Дерево Джошуа»

НТВ

05:00 Информационный канал «НТВ утром».
07:10 Сериал «Возвращение Мухтара» (16+).
09:00 Сегодня.
09:20 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю (16+).
09:50 «До суда» (16+).
10:55 Суд присяжных (16+).
12:00 Сегодня.
12:25 «Суд присяжных. Окончательный вердикт» (16+).
13:35 Остросюжетный сериал «Улицы разбитых фонарей» (16+).
14:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15:00 Сегодня.
15:25 «Прокурорская проверка» (16+).
16:40 «Говорим и показываем». Ток-шоу с Леонидом Закошанским (16+).
17:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
18:00 Сегодня.
18:30 Премьера. Илья Шакунов, Алена Бабенко, Богдан Ступка в остросюжетном сериале «Бездна» (16+).
22:15 «Сегодня. Итоги».
22:35 Леонид Каневский в остросюжетном сериале «Семин» (16+).
00:30 Документальный цикл «Наш космос» (16+).
01:30 Дикий мир (0+).
02:00 Сериал «Преступление будет раскрыто» (16+).
04:00 Детективный сериал «Москва. Три вокзала» (16+).

СЕШАНБА, 21

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.20 Миллий сериал: «Имтиҳон».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Денгиз бўриси». Т/с.
9.30 «Эркин фикр».
9.40 «Навоийни англаш».
9.55 «Сарой жавоҳири». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
11.55 «ТВ – шифокор».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
13.05 «Ахборот» /инглиз/.
13.15 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Дунё манзаралари».
14.35 «Людвиг». Т/с.
15.25 «Иқлим».
15.30 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Леош Яначек. «Маккора тулкининг саргузаштлари». 1-қисм.
16.30 «Тезкор хабарлар».
16.40 «Рангин дунё».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Аёл бахти».
17.30 «Ифтихор».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Юрган – дарё».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Комиссар Рекс». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бўстонидан».
20.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Мунозара».
22.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.20 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.25 «Иқлим».
23.30 - 23.55 «Ўсимликлар ҳаёти». Х/ф.
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 «Рангин дунё».
00.20 «Навоийни англаш».
00.35 «Иқлим».
00.40 «Аёл бахти».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТеатр: «Фармонбиби аразлади». 2-қисм.
2.10 «Дилхуш наволар».
2.45 «Кўнгил ободлиги».
3.05 «Ифтихор».
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Имтиҳон».
5.10 «Буюк аждодларимиз».
5.35 - 5.55 «Юрган дарё».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Унутилмас оҳанглар».
7.00 «Йўл-йўлакай».
7.30 «Мультипанорама».
8.00 «Севишганлар». Т/с.
8.40 «Ёшлик наволари».
9.00 «Скарлетт». Т/с.
9.50 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Юлдузингни бер, осмон». Б/ф.
11.40 «Жаҳон мусиқаси».
12.10 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
12.50 «Телетуҳфа».
13.00 «Давр».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
13.30 «Мўъжизавий дунё».
14.00 «Аскар». Т/с.
14.50 «Ёшлик наволари».
15.10 «Коломбо». Т/с.
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Доктор Куинн». Т/с.
17.00 «Орзулар оғушида».
17.10 «Давр мавзуси».
17.30 «Оқибат». Б/ф. 1-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Фил ва малика». Т/с.
20.20 «Эртакчи болажонлар».
20.40 «Болажонлар байрами».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Аскар». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Жульеттага мактуб». Б/ф.
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Мўъжизавий дунё».
1.20 «Коломбо». Т/с.
2.00 «Давр».
2.30 «Фил ва малика». Т/с.
3.20 «Жаҳон мусиқаси».
3.50 «13-студия».
4.20 «Оқибат». Б/ф. 1-қисм.
5.50-6.00 «Синфдош».

Тошкент

6.00 «Мадҳия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Спорт оламида».
6.20 «Ҳаёт-мамот». Т/с. 64-қисм.
7.00 «Салом, Тошкент!»
8.00 Тошкент тароналари.
8.15 «Донолар бисотидан».
8.20 «Интеллектуал аукцион».
8.30 «Пойтахт».
8.50 «Индаба». Т/с. 11-қисм.
9.15 «Қонун доирасида».
9.30 «Пойтахт».
9.40 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 14-қисм.
10.10 «Бизнес-пойтахт».
10.15 «Интервью».
10.25 «Уйларим».
10.30 «Пойтахт». /Рус тилида/.
10.40 «Он так и знал». Т/с. 10-қисм.
11.05 «Репортаж».
11.20 «Тенгдошлар».
11.35 «Сирли сурат». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Бизнес-пойтахт».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Индаба». Т/с. 12-қисм.
15.40 «Эртамиз эгалари».
15.55 «Менинг шаҳрим».
16.15 «Касбим – фахрим».
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мультсериал: «Денгиз итлари». 6-қисм.
17.10 «Ўрмончада мўъжиза». /Инглиз тилида/.
17.25 «Химоя».
17.40 «Эътиқод».
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Интеллектуал аукцион».
18.35 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 15-қисм.
19.05 «Интервью».
19.15 «Карвонсарой».
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Анонс».
20.30 «Ибрат».
20.55 «Фан ва тараққиёт».
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Теле-маркет».
21.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с. 65-қисм.
22.30 «Пойтахт». /Рус тилида/.
22.50 «Обод шаҳрим». /Рус тилида/.
23.10 «Кино SMS». /Рус тилида/.
23.15 Семейная свадьба. Х/ф.
00.50 Кўрсатувлар тартиби.
00.55 «Профессионал».
1.10 Как украсть небоскреб. Х/ф.
2.50 «Уйларим».
2.55 «Самодаги саргузаштлар». Б/ф.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.30 «Универсиада – 2013».
6.55 «Айртон Сена». Ҳужжатли фильм.
7.20 АНОНС.
7.25 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультфильм.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Саломат бўлинг!»
8.30 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Олмалиқ» – «Гулистон».
10.10 АНОНС.
10.15 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Жаҳон кубоги.
11.15 АНОНС.
11.20 «Аёллар футболи».
11.45 АНОНС.
11.50 Гандбол. Халқаро Трофи кубоги.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
13.35 АНОНС.
13.40 «Футбол шарҳи».
14.25 Теннис ATP/WTA турнири.
15.15 ИнтерФутбол.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
17.25 АНОНС.
17.30 «Баркамол авлод».
17.55 АНОНС.
18.00 ХАБАРЛАР.
18.20 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. 1/8 финал. «Бунёдкор» – «Бурирам». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.50 «Спорт - маркет».
21.00 «Турдан тургача».
22.00 ХАБАРЛАР.
22.20 АНОНС.
22.25 Кураш. Ат Термизий халқаро турнири.
23.25 АНОНС.
23.30 Гандбол. Халқаро Трофи кубоги.
00.30 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Жаҳон кубоги.
2.55 АНОНС.
3.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал.
4.40 «Универсиада-2013».
4.55 АНОНС.
5.00 - 5.50 Теннис ATP/WTA турнири.

ntt

05:30 «Янги кун наволари» дастури
06:10 «Мозийдан садо» дастури
06:30 «Буни ҳаёт дейдилар»
07:00 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
07:20 «Бизнес промо»
07:30 «Қалб жавоҳири» т/с (11-қисм)
08:00 «Forum news» кўрсатуви
08:15 «Мусиқа вақти» дастури
08:30 «Чой устида» кўрсатуви
09:00 «Hudud.uz: Yangi avlod»
09:10 Мультсериал: «Панда кунг-фу: ғаройиб афсоналар» м/ф (11-қисм)
09:35 Болалар телесериали: «Магна Аура» т/с (1-қисм)
10:00 «Газеталар шарҳи»
10:10 «Муҳаббат синовлари-2» б/ф
11:45 «Мусиқа вақти» дастури
12:00 «Hudud.uz:Jahon»
12:10 «Уй бекаси» т/с (11-қисм)
12:45 «Юзма-юз» кўрсатуви
13:00 «Hudud.uz»
13:10 «Мушкетерлар» б/ф
15:00 «Forum news» кўрсатуви
15:15 «Ғаройиб одамлар» ҳ/ф
15:30 «Hudud.uz:Sport xabarlari»
15:40 «Мусиқа вақти» дастури
16:00 «Hudud.uz»
16:10 «Айрис-2» т/с (11-қисм)
16:45 «Бизнес промо»
17:00 «Газеталар шарҳи»
17:10 «Хазина» теле-шоу викторинаси
18:00 «Янги авлод» студияси намойиш этади
18:10 Мультсериал: «Панда кунг-фу: ғаройиб афсоналар» м/ф (12-қисм)
18:35 Болалар телесериали: «Магна Аура» т/с (2-қисм)
19:00 «Hudud.uz:Jahon»
19:10 «Қалб жавоҳири» т/с (12-қисм)
19:40 «Zo'r-zo'r star» кундалиги
19:50 «Уй бекаси» т/с (12-қисм)
20:30 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «25-кадр» кўрсатуви
21:30 «Hudud.uz:Jahon»
21:45 Премьера: «Ғойиб бўлган келажак» б/ф
23:30 «Hudud.uz:Sport xabarlari»
23:35 «Айрис-2» т/с (12-қисм)
00:00 «Мусиқа вақти» дастури
00:15 «Ҳайрат лаҳзалари» ҳ/ф
00:30 Тунги кинозал: «Кингконг» б/ф
02:30 «Юлдузлар ёғдуси» дастури
03:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 «Жить здорово!»
10.05 Модный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.40 «Время обедать!»
12.10 «Доброго здоровьица!»
13.00 Другие новости
13.25, 17.40 Понять. Простить
14.35 Сериал «Торговый центр»
15.25 «Пока еще не поздно»
16.05 «Я подаю на развод»
17.00 Вечерние новости
18.05 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30, 02.15 Сериал «Бывшая жена»
22.20 «Вечерний Ургант»
22.55 «Свобода и справедливость»
23.50 Ночные новости
00.05, 02.05 Худ. фильм «Отбой»

Россия

04.00 Утро России
08.00 «1000 мелочей». Ток-шоу
08.45 «О самом главном». Ток-шоу
09.30 Сериал «Кулагин и партнеры»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва
10.50 Сериал «Тайны следствия»
11.50 «Дело Х. Следствие продолжается». Ток-шоу
12.50, 15.35 Вести. Дежурная часть
13.50 «Чужие тайны. Времена года»
14.35 Сериал «Тайны института благородных девиц»
16.45 Сериал «Каменская-5»
19.30 Спокойной ночи, малыши!
19.40 «Прямой эфир»
20.25 Сериал «Лекарство против страха»
22.25 Специальный корреспондент
23.30 «Храм скорби и славы»
00.25 Вести +
00.50 «Честный детектив»
01.25 Худ. фильм «Обратной дороги нет»
02.45 Комната смеха

НТВ

05:00 Информационный канал «НТВ утром».
07:10 Сериал «Возвращение Мухтара» (16+).
09:00 Сегодня.
09:20 Чистосердечное признание (16+).
09:50 «До суда» (16+).
10:55 Суд присяжных (16+).
12:00 Сегодня.
12:25 «Суд присяжных. Окончательный вердикт» (16+).
13:35 Остросюжетный сериал «Улицы разбитых фонарей» (16+).
14:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
15:00 Сегодня.
15:25 «Прокурорская проверка» (16+).
16:40 «Говорим и показываем». Ток-шоу с Леонидом Закошанским (16+).
17:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
18:00 Сегодня.
18:30 Премьера. Остросюжетный сериал «Бездна» (16+).
22:15 «Сегодня. Итоги».
22:35 Остросюжетный сериал «Семин» (16+).
00:30 Главная дорога (16+).
01:00 «Чудо техники» (12+).
01:30 Дикий мир(0+).
02:05 Сериал «Преступление будет раскрыто» (16+).
04:00 Детективный сериал «Москва. Три вокзала» (16+).

ЧОРШАНБА, 22

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.20 Миллий сериал: «Имтиҳон».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Денгиз бўриси». Т/с.
9.30 «Тоғ гуллари».
9.40 «Ягона оилада».
9.55 «Сарой жавоҳири». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
11.55 «Сизнинг адвокатингиз».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
13.05 «Комиссар Рекс». Т/с.
13.45 «Ҳудудлар ҳаёти».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Инсон ва қонун».
14.35 «Людвиг». Т/с.
15.25 «Иқлим».
15.30 «Муносабат».
16.00 «Уйла, Изла, Топ!»
16.40 «Онажоним – табиат».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Сен ёлғиз эмассан».
17.25 «Кунларнинг бирида».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Келажакка пойдевор».
18.35 «ТВ – шифокор».
18.40 «Комиссар Рекс». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бўстонидан».
20.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.15 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.20 «Иқлим».
23.25 - 23.50 «Ўсимликлар ҳаёти». Х/ф.
23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Келажакка пойдевор».
00.15 «Шиша».
00.45 «Кунларнинг бирида».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТеатр: «Фармонбиби аразлади». 3-қисм.
2.10 «Муқаддас қадамжолар».
2.30 «Уйла, Изла, Топ!»
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Имтиҳон».
5.10 «Қишлоқ ҳаёти».
5.35 - 5.55 «Онажоним – табиат».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Унутилмас оҳанглар».
7.00 «Йўл-йўлакай».
7.30 «Мультипанорама».
8.00 «Севишганлар». Т/с.
8.40 «Ёшлик наволари».
9.00 «Скарлетт». Т/с.
